

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

«Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедраси

**5521200 Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, 5140900
Касб таълим (Транспорт воситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш)мутахассисликлари учун «Ишончлилик назарияси ва
диагностика асослари» фанидан Тажриба машғулотларини бажариш
учун**

Услубий кўрсатма

Наманган-2005

Ушбу услугубий кўрсатма 5521200, 5140900 «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» таълим йўналиши (Техник-балавр, касбий педагогик тайёргарлик, З йиллик маҳсус курс, касб хунар коллежлари ўқитувчилари) талабалари учун мўлжалланган бўлиб, у шу йўналишининг Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва фан дастури асосида тайёрланди.

Кўрсатма мухандис-педагогик бакалаврлар тайёрловчи сиртки бўлим талабалари учун «Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари» фани бўйича тажриба ишларини бажариш учун тавсия этилган. Мазкур кўрсатмамалар талабаларнинг «Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари» фани бўйича олган билимларини тажрибада мустахкамлаш, кўриш тушуниш, ҳамда талабаларда адабиётлардан фойдаланиш кўниумасини яратиш имкониятини беради.

Тузувчи: кат. ўқ. Ю. Умаралиев
асс. И. Акбаров

Тақризчи: доц. А.Насритдинов

Ушбу услугбий күрсатма «Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедрасининг «__» ____ 200_ йилдаги «__» сонли йиғилишида мухокама қилинган ва фойдаланиш учун тавсия этилган.

Ушбу услугий кўрсатма институт илмий-услубий кенгашининг «__»
даги __ -сонли йигилишида муҳокама қилинган ва чоп эттиришга тавсия
этилган. (рўйхат раҳами №__)

2-Тажриба машғулоти

Мавзу: Тасодифий миқдорларнинг характеристикаларини аниqlаш.

1. Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий мақсади:

- тасодифий миқдор характеристикаларининг мазмунни ва моҳиятини очиб бериш;
- тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятлари билан таништириш;
- тасодифий миқдор характеристикаларини аниqlашни ўргатиши;
- ташкилий ва технологик масалаларни ечишда тасодифий миқдорлар характеристикаларидан фойдаланишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш.

2. Ўқитишдан қутиладиган натижалар (талабаларнинг вазифалари).

Талабаларнинг вазифалари
(кутиладиган натижалар)

Назорат топшириқлари

Тасодифий миқдорларнинг характеристикалари

1. Тасодифий миқдорларнинг мазмунини мазмунига таъриф беради.

Тасодифий миқдорларнинг мазмунини таърифлаш.
Тест топшириқларини оғзаки бажариш (2.1., 2.3.-тест топшириғи)

2. Тасодифий миқдорларнинг характеристикалари санайди.

Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини айтиб бериш.
Талабалар оғзаки равища асосий характеристикаларни санаб беради:
ўртача арифметик қиймат, ўрта квадратик четлашиш, дисперсия, вариация коэффициенти, эхтимолликнинг зичлиги функцияси

3. Тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонулари мазмунини очиб беради.

Тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуларини таърифлаш.
Тест топшириқларини оғзаки бажаради. (2.4; 2.5-тест топшириқлари).

4. Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниqlайди.

Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини ҳисоблаш тартибини баён қилиш.
Тест топшириқларини бажаради. (2.6; 2.7-тест топшириқлари).

5. Амалий масалаларни ечишда тасодифий миқдор характеристикаларидан фойдаланади.

Талабалар кичик гурӯхларда 2.2- масалани мустақил ечадилар.

Тарбиявий жараён, мунозарада иштирок этиш.

Топшириқни бажариш 2-та кичик гурӯҳда амалга оширилади:
Ҳисоблаш ишларида калькуляторлардан фойдаланилади.

Тарбиявий жараён:

- гурӯҳ билан ишлашда иштирок этишга интилиш;
- ўз фикрларини гурӯҳ ичida баён

- этиш ва асослаш;
- масала ечимини аниқлашда ўз улуши билан фахрланиш

3. Машғулот режаси:

1. Тасодифий миқдорлар ва уларнинг асосий характеристикалари хақида тушунча-40 минут.
2. Тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятлари-40 минут.
3. Транспорт воситаларидан фойдаланишда тасодифий миқдор характеристикаларини кўлланилиши-30 минут.
4. Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш-20 минут.
5. Тасодифий миқдорларнинг характеристикаларини аниқлашга доир топшириқлар-30 минут.

4. Асосий ўқув адабиётлари:

1. Техническая эксплуатация автомобилей. Е.С.Кузнецов таҳрири остида. М.: Транспорт, 1991 г.
2. А.А.Лудченко. Основы технического обслуживание автомобилей. К: Вўшай школа. 1987 г.
3. Ишончилик назарияси ва диагностика асослари. Маърузалар матни. НамМПИ 2003 й.

5. Машғулотни ўтказиш бўйича технологик карта

Ўқитувчининг фаолияти

Талабанинг фаолияти ва назорат

топшириқлари

Талабалар диқкатини мавзуга жалб этиш ва уларда қизиқиш уйғотиш:

Мавзуни ўрганишга бўлган истак-хошилари шаклланади.

- ўқитувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида технологик ва ташкилий масалаларни рационал ечимини аниқлашда ва тўғри қарор қабул қилишда тасодифий жараёнлар (тасодифий миқдорлар)ни билишининг аҳамияти хақидаги фикрларни илгари суради-5 минут.

1. Тасодифий миқдорлар ва уларнинг асосий характеристикалари хақида тушунча.

Тасодифий миқдорлар ва уларнинг асосий характеристикаларини мазмунни ва моҳиятини очиб беради

Тасодифий миқдорларга таниш бўлган Талабалар ўзларининг фикрлари билан тингловчиларга мисоллар келтириш орқали эркин мулоқат муносабатларини ўрнатади.

Талабаларни эркин мулоқот Талабалар мулоқотга киришадилар.

қилишини, нотўғри жавоблар баҳоланмаслигини, хато қилишга ҳар бир талабанинг ҳақи борлигини, уялмаслик лозимли-гини эълон қиласди.

Тасодифий миқдорларнинг шаклланишига доир график шаклларни келтиради ва мунозара га чақиради. (2.11-шакл, 36 бет).

Талабаларни тасодифий миқдорлар ва уларнинг характеристикалари билан танишганлик даражасини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиш.

Тест ўтказади: олдиндан берилган тест топшириқларини ўқишини ва тўғри жавобни қўл кўтариш билан аниқлашни таклиф этади ва кетма-кет а) в).... жавобларни тасдиқлаган талабалар сонини аниқлайди.

Талабаларга ҳар бир тест топшириғининг тўғри жавобини эълон қиласди.

Ҳамма тест жавобларига тўғри жавоб берган талабаларни алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тест топшириқлари натижаси бўйича талабаларни маълумотларни ўзлаштириш даражасини тезкор таҳлил қиласди ва мазкур машғулотнинг мақсади ва мазмунига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Талабалардан тасодифий миқдорларга ва уларга таъсир этувчи омилларга мисол келтиришни сўрайди

3-4 нафар талабадан келтирилган мисолларни сўрайди.

Назорат тест топшириқларини бажаради.

2.1. Тасодифий миқдорларни аниқланг?

- а) юқ билан юриш масофаси;
- в) босиб ўтилган йўл;
- с) бузилишгача босиб ўтилган йўл;
- д) таъмирлаш учун сарфланган меҳнат ҳажми;
- е) автомобилнинг ташқи ўлчами. Тўғри жавоблар с), д).

2.2. Бузилишгача босиб ўтилган масофа, тасодифий миқдор бўлса, у боғлиқ бўлган омилларни кўрсатинг.

- а) йўл шароити, автомобил русуми, ҳайдовчи малакаси, ишлатиш шароити;
- в) деталларга ишлов бериш сифат ТХК тартиби, юқ кўтариш қобилияти;
- с) деталларни йиғиш сифати, деталл материалининг сифати, автомобилнинг динамиклиги;
- д) ишлатиладиган материаллар сифати, деталлар сони, ҳаракатланиш тезлиги;
- е) ишлатиш шароити, ишлаб чиқариш сифати, ишлатиладиган материаллар сифати, ТХК ва Т сифати, ҳайдовчи малака

тўғри жавоб: е)

2.3. Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларидан қайси бири тақсимот қонунларини олдинда аниқлашда фойдаланилади?

- а) ўртача арифметик қиймат;
- в) вариация коэффициенти;
- с) дисперсия;
- д) ўрта квадратик четлашиш;
- е) ўртача геометрик қиймат.

Тўғри жавоб: в).

Талабаларга савол беради:

- келтирилган тасодифий миқдорлар (технологик ёки ташкилий) қайси жараёнга мансуб?
- улар қандай омилларга боғлиқ
- нима учун ҳар қандай тасодифий миқдорга таъсир этувчи омиллар бир хил эмас.

2. Тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятлари

Тақсимот қонуниятларини шаклланиш шароитларини тушунтиради.

Тақсимот қонуниятлари орқали ифодаланадиган жараёнларни алоҳида таъкидлайди.

Тақсимот қонуниятларини моҳиятини ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш учун оғзаки тест ўтказади. Олдиндан тарқатилган тест топшириқларини ўқиб, тўғри жавобни қўл кўтариш билан аниқлашни таклиф этади ва кетма-кет ҳар бир тест топшириғи бўйича а), в), с).... жавобларни тасдиқланган талабалар сонини аниқлайди.

Талабаларга тест топшириқлари жавобини эълон қиласди.

Ҳамма тест топшириқларига тўғри жавоб берган талабаларни тингловчилар орасида алоҳида таъкидлайди.

Тестлов натижаси бўйича талабалар томонидан тақсимот қонунларини ўзлаштириш даражасини тахлил қиласди.

Тасодифий миқдорларни тақсимот қонунларини олдиндан аниқлаш учун вариация коэффициентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

3. Транспорт воситаларидан фойдаланишда тасодифий миқдор характеристикаларини қўлланилиши.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш жараённада амалий масалаларни ечишда тасодифий

Талабалар тасодифий миқдорларни номини айтади.

Тасодифий миқдорларни қайси жараёнга тегишилигини анализ қиласди.

Тасодифий миқдорларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозимлигига ишонч ҳосил қиласди.

2.4. +уйидаги жараёнларга мос келувчи тақсимот қонуниятлари кўрсатинг.

- a) занжирни 1) нормал тақсимот узилиш жараёни қонуни
- b) 2-ТХК гача 2) В.Гнеденко бўлган нароботка тақсимот қонуни
- c) реесорани 3) логарифмик синиш жараёни нормал тақсимот қонуни
- d) шиналарни 4) экспоненциал ёрилиш жараёни тақсимот қонуни
- e) кузовларни занглаш жараёни

Тўғри жавоб: a) 2; б) 1; с) 3; d) 4; e) 4.

2.5. Тико автомобилининг шиналарини ёрилиш жараёнининг вариация коэффициентини V_{k1} га teng. Ушбу жараён қайси қонуниятга бўйсинади?

- a) нормал тақсимот қонуни;
- б) Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонуни;
- с) логарифмик-нормал тақсимот қонуни;
- d) экспоненциал тақсимот қонуни;
- е) Реле гамма тақсимот қонуни.

Тўғри жавоб: d)

миқдорлар характеристикала-рини қўлланилишини тушунтиради.

Талабаларга савол билан мурожаат қиласди:

- транспорт воситаларидан фойдаланишда қандай меъёрлар қўлланилади?
- оммавий хизмат кўрсатиш тизимини қандай изоҳлайсиз?
- ТХК тартиби ва меҳнат ҳажми меъёрлари, эҳтиёт қисмлар сарфи меъёрлари қандай аниқланади?

Мулоқотни ўзининг фикр-мулоҳалари билан якунлайди.

4. Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш.

Амалий масалаларни ечишда тасодифий миқдор характеристикаларини аниқлашга доир мисол келтиради (2.1.-мисол).

Мисол натижаларини изоҳлайди.

Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш тартибини ўзлашти-ришини тезкор назорат қиласди.

Оғзаки тест ўтказади.

Тест топшириқларини тарқатма материалдан ўқиб, жавобини қўл кўтариш билан тасдиқлашни тавсия этади. Ва кетма-кет а), в), с).... жавобларни тасдиқланган талабалар сонини аниқлайди.

Талабаларга тест топши-риқларини жавобини эълон қиласди.

Тест натижалари бўйича характеристикаларни аниқлаш кўникмасини шаклланиш даражасини аниқлайди ва тегишли тузатишлар киритади.

Талабаларга савол билан мурожаат қилиб, мулоқат ташкил қиласди:

- 2.6. тест топшириғидаги вариация коэффициен-тининг қиймати бўйича

Талабалар ўз фикрларини баён қиласди.

Аудиториядаги талабалар билан мулоқотга киришади.

Ўзининг фикр-мулоҳазаларига тузатиш киритади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишда тасодифий миқдор характеристикаларини қўлланили-шига ишонч ҳосил қиласди.

Назорат тестларини бажаради.

2.6. Илашиш муфтасининг усткуймаларини алмаштиришгача бўлган ўртacha наработка 50 минг км ўрта квадратик четлашиш 10 минг км бўлса, вариация коэффициентини аниқланг.

a) 0,25; b) 0,2; c) 0,3; d) 1,0; e) 0,35.

Тўғри жавоб: b).

2.7. Корхонада 100 та автомобил мавжуд бўлиб, тирсакли вал мосламасининг бузилиш эҳтимоллиги зичлиги $f(x_1)=0,02$ минг км^{-1} бўлса, $\Delta x=x_1-x_2=2$ минг км оралиқдаги бузилишлар сонини $m(x_1-x_2)$ аниқланг.

a) 10 та;

b) 3 та;

c) 4 та;

d) 25 та;

e) 5 та;

тўғри жавоб: c).

Талабалар ўз фикрларини баён қиласди.

Амалий масалалар ечимини таҳлил қиласди.

Талабалар билан мулоқатга киришади.

- устқуймасининг бузилиши ҳақида қандай хulosса чиқариш мақсадга мувофиқ?
- 2.7. тест топширигининг жавоби бўйича қандай тадбирни режалаштириш кўзда тутилади?

Мулоқот юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини билдиради.

Гурухни 2 та кичик гурухга ажратади ва 2.2-масалани ўртacha ташлайди. Масаланинг ечими юзасидан хulosалар чиқаришни тавсия қилади 30 минут.

Кичик гурух лидерларининг натижаларини эшитади. Саволлар билан мурожаат қилади, масала ечими юзасидан фикрларини баён қилади, эътиrozларини ва розилигини билдиради, кичик гурух лидерларининг рақобатини қувватлаб, масала ечими юзасидан тўғри хulosса чиқаришга ва рационал ечим қабул қилишга йўналтиради.
Машғулотга яқун ясайди.
Мустақил ишлаш учун топшириклар беради.

2.2-масала. Автокорхонада кечки пайт 1-TXK минтақасига 40 та автомобил киради. Автомобилларни кириш оралиғидаги вақт қуийдагича кузатилди (минутларда).
2,17,1,10,2,3,1,1,13,4,2,1,3,8,1,2,5,10,5,14, 10,5,1,6,7,1,31,5,27,17,4,5,5,1,2,1,8,1,7,8.

Тасодифий миқдорларнинг тақсимот зичлиги функциясини $f(x)$ аниқланг.

Ўртага қуийлган масалани гурух билан биргаликда муҳокама қилади ва масала ечими юзасидан хulosса чиқаришда ўзининг фикрлари билан иштирок этади.

Масала ечими юзасидан билдирилган фикрлар муҳокамасида иштирок этади.

Ўзининг фикр-мулоҳазалари тузатишлар киритади.

Кичик гурух қарорига қўшган ўзининг улушидан қониқиши ҳосил қилади.

Мустақил машғулот топшириқларини ёзиб олади.

1. 2.7-тест топшириғи асосида $\Delta x = (x_1 - x_2)$ оралиқ учун $P (x_1 < x < x_2)$ бузилиш эҳтимоллигини аниқланг.
2. 2.7-тест топшириғидаги тирсакливал тасмасининг бузилиш жараёни қайси тақсимот қонунига бўйсинади.

Изоҳланг.

3. Нормал тақсимот қонунида нормаллаштирилган функциядан қандай мақсадларда фойдаланилади?

6. Машғулот режасидаги ўқув саволларининг мазмуни

6.1. Тасодифий миқдорлар ва уларнинг асосий характеристикалари ҳақида тушунча.

Эксплуатация шароити, ҳайдовчининг малакаси, буюмларнинг ва уларнинг бошланғич ҳолатларини бир хил эмаслиги ва бошқа омиллар таъсирида транспорт воситаларининг техник ҳолатини ўзгариш жадаллиги ҳар бири учун ҳар хил ҳолатда намоён бўлади. Шу сабабли буюмнинг техник ҳолати параметрини қийматини U_p деб белгиласак, бу ҳолатга етиб келгунгача бўлган I_p ресурс ёки наработка ҳар хил буюмлар учун ҳар хил қийматни қабул қиласди (2.1-расм) ва тасодифий миқдор ҳисобланади. Тасодифий миқдорлар маълум бир оралиқда ёйилишга эга бўлиб, бу ейилишни вариация деб аталади. Агар техник хизмат кўрсатишгача бўлган наработкани I_0 деб белгиласак, I_0 гача етиб келгунча қадар техник ҳолат параметрлари ҳар хил бўлади ва техник хизмат кўрсатиш вақти, меҳнат ҳажми хом ҳар хил қийматларга эга бўлиб, тасодифий миқдорлар ҳисобланади.

Шу сабабли техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этишда меъёрлаштириш ишларини амалга ошириш учун тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикалари билиш муҳим ҳисобланади.

Х тасодифий миқдорнинг н та ҳолати учун асосий характеристика бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \text{- ўртacha қиймат: } \bar{x} &= \frac{x_1 + x_2 + \dots + x_n}{n} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{n} \\ \text{- ўртacha квадратик четлашиш: } \delta &= \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1}} \end{aligned}$$

$$\text{- дисперсия: } D = \delta^2;$$

$$\text{- вариация коэффициенти: } \vartheta = \frac{\delta}{\bar{x}}$$

Транспорт воситаларидан фойдаланишда тасодифий миқдорлар кам вариацияли ($\vartheta \leq 0,1$) ўртacha вариацияли ($0,1 < \vartheta \leq 0,33$), юқори вариацияли ($\vartheta > 0,33$) тасодифий миқдорга бўлинади.

Вариация коэффициенти тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятларини олдиндан аниқлаш учун хизмат қиласди.

Тасодифий миқдорларнинг яна бир асосий характеристикаларидан бири эҳтимоллик бўлиб, бирор ўрганилаётган ходисани содир бўлиш даражаси белгиловчи сонли ўлчов ҳисобланади. Транспорт воситаларидан фойдаланишда асосий ходисалардан бири бу бузилишнинг содир бўлиши ёки бўлмаслиги ходисалари бўлиб, уларнинг эҳтимолликларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Бузилмаслик эҳтимоллиги:

$$R(x) = \frac{n - m(x)}{n} = 1 - \frac{m(x)}{n} \quad (2.1.)$$

бу ерда $m(x)$ -х масофа бузилган буюмлар сони
 n -фойдаланишдаги буюмлар сони
Бузилиш эҳтимоллиги:

$$F(x) = 1 - R(x) = \frac{m(x)}{n} \quad (2.2.)$$

Тасодифий миқдорларнинг яна бир асосий характеристикаларидан бири эҳтимолликнинг зичлиги ҳисобланади.

Агар бузилиш эҳтимоллиги $F(x) = \frac{m(x)}{n}$ бўлса, уни $n=const$, бўлганда дифференциаллаб, бузилиш эҳтимоллиги зичлиги функциясини ҳосил қиласиз.

$$f(x) = \frac{1}{n} \cdot \frac{dm}{dx} \quad (2.3.)$$

$f(x)$ функция детал, узел, агрегатларни алмаштируй ишлаганда, жуда кичик вақт оралиғидаги бузилиш эҳтимоллигини характерлайди.

Бундан келиб чиқадики, $R(x) = \int_x^{\infty} f(x) dx$, (2.4.)

$$F(x) = \int_{-\infty}^x f(x) dx \quad (2.5.)$$

$F(x)$ ёки $f(x)$ функцияларни қийматлари маълум бўлса, бузилишгача бўлган ўртача нароботкани аниқлаш мумкин:

$$\bar{x} = \int_{-\infty}^{\infty} xf(x) dx \quad (2.6)$$

Амалиётда $f(x)$ функцияниң қиймати маълум бўлса, унга катта бўлмаган $\Delta x = x_1 - x_2$ оралиқ учун $m(x)$ бузилишлар сонини аниқлаш мумкин. $\Delta x = x_1 - x_2$ оралиқ учун $m(x_1-x_2)$ бузилишлар сони қуидаги аниқланади:

$$f(x_1) = \frac{1}{n} \cdot \frac{m(x_1 - x_2)}{x_1 - x_2} = \frac{1}{n} \cdot \frac{m(x_1 - x_2)}{\Delta x}$$

$$f(x_1) = \frac{1}{n} \cdot \frac{m(x_1 - x_2)}{\Delta x} \Rightarrow m(x_1 - x_2) = f(x_1) \cdot n \cdot \Delta x$$

Демак $m(x_1-x_2)$, бузилишлар сони $\Delta x = x_1 - x_2$ оралиқ учун:

$$m(x_1 - x_2) = f(x_1) \cdot n \cdot \Delta x \quad (2.7)$$

Ана шу оралиқ учун деталларни бузилиш эҳтимоллиги:

$$P(x_1 < x < x_2) \equiv f(x_1) \cdot \Delta x \text{ ифода орқали аниқланади.}$$

Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш, тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятларини аниқлаш орқали технологик ва ташкилий масалаларни рационал ечимларини топиш ва оқилона қарорларни қабул қилиш имконини яратади.

6.2. Тасодифий миқдорларнинг тақсимот қонуниятлари

Транспорт воситаларининг техник шайлигини таъминлаш жараёнлари учун характерли тақсимот қонулари қуидагилар ҳисобланади.

Нормал тақсимот қонуни.

Бу тақсимот қонуни содир бўлаётган жараёнга бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўп миқдордаги элементар омиллар таъсир қилиб, уларни алоҳида таъсири сезиларсиз, лекин йиғинди таъсири эса бошқаларга нисбатан сезиларли бўлган шароитда намоён бўлади.

Нормал тақсимот қонуни учун

$$- \text{тақсимот функцияси: } f(x) = \frac{1}{\delta \sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-\bar{x})^2}{2\delta^2}} \quad (2.8.)$$

$$- \text{бузилмаслилик эҳтимоллиги: } R(x) = \frac{1}{\delta \sqrt{2\pi}} \int_x^\infty e^{-\frac{(x-\bar{x})^2}{2\delta^2}} dx \quad (2.9.)$$

$$- \text{бузилиш эҳтимоллиги: } F(x) = \frac{1}{\delta \sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^x e^{-\frac{(x-\bar{x})^2}{2\delta^2}} dx \quad (2.10.)$$

Нормал тақсимот қонуниятида кўпинча ҳисоблаш жараёнида $\Phi(z)$ нормаллаштирилган функциядан фойдаланилади қайсики, $z = \frac{x - \bar{x}}{\delta}$ тасодифий миқдор аргумент сифатида қабул қилиниб, нормаллаштирилган четлашиш деб аталади.

$$\text{У ҳолда, } \Phi(z) = \frac{1}{\delta \sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{\bar{x}+z} e^{-\frac{z^2}{2}} d\left(\bar{x} + 2\delta\right) = \int_{-\infty}^z e^{-\frac{z^2}{2}} dz \quad (2.11)$$

Нормаллаштирилган функция учун ҳисоблаш ишларини соддалаштириш мақсадида жадваллар тузилган. Нормал тақсимот қонуни учун $v \leq 0,33$ бўлиб, ўртача вариацияли тасодифий миқдорлар учун қўлланилади.

Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонуни.

Бу қонуният «нобоп звено» моделида намоён бўлади. Агар система бир нечта элементдан ташкил топган бўлиб, ҳар бирининг бузилиши бутун системани бузилишига олиб келса, системанинг бузилишгача бўлган нороботкаси алоҳида элементларнинг энг кичик қийматлари билан баҳоланади.

Бу қонуният учун тақсимот функцияси қўйидагича ифодаланади:

$$f(x) = \frac{b}{a} \left(\frac{x}{a} \right)^{b-1} \exp \left[\left(-\frac{x}{a} \right)^b \right] \quad (2.12.)$$

бу ерда-а, в-тақсимот параметрлари.

Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонунияти орқали подшипникларни, резина герметикларни, шлангларни, резина тасмаларни, труба ўтказгичларни ресурсларининг тақсимотини ифодалаш мумкин. Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонуни учун:

- бузилмаслик эҳтимоллиги: $R(x) = \exp\left[-\left(\frac{x}{a}\right)^6\right]$ (2.13)

- бузилиш эҳтимоллиги: $F(x) = 1 - \exp\left[-\left(\frac{x}{a}\right)^6\right]$ (2.14)

- тасодифий миқдор ўртача қиймати: $\bar{x} = a\left(1 + \frac{1}{6}\right)$ (2.15)

Ушбу тақсимот қонунияти учун $v=0,4\div0,6$

Логарифмик-нормал тақсимот қонуни.

Кузатилаётган жараёнга нисбатан кўп тасодифий ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилиб, уларнинг таъсир жадаллиги тасодифий миқдорнинг охирги эришган ҳолатига боғлиқ бўладиган шароитда лагорафмик-нормал тақсимот қонунияти намоён бўлади. Ушбу қонунийт учун:

- эҳтимоллик зичлиги функцияси: $f(x) = \frac{1}{\delta\sqrt{2\pi}} \exp\left[\frac{\ln x - a}{2\delta^2}\right]$ (2.16)

- бузилмаслилик эҳтимоллиги: $R(x) = \frac{1}{2} - \frac{1}{2} \phi\left[\frac{\ln x - a}{\delta}\right]$ (2.17)

- бузилиш эҳтимоллиги: $F(x) = \frac{1}{2} + \frac{1}{2} \phi\left[\frac{\ln x - a}{\delta}\right]$ (2.18)

- ўртача қиймат: $\bar{x} = \exp\left[a + \frac{\delta^2}{2}\right]$ (2.19)

Бу қонун орқали транспорт воситаларининг техник шайлигини таъминлашда чарчашдан емирилиш, занглаш, резвали бирикмаларни бўшаб кетиши каби жараёнларни ифодаланади. Логарифмик-нормал тақсимот қонунияти учун $v=0,3\div0,5$

Экспоненциал тақсимот қонуни.

Ушбу тақсимот қонунида буюмнинг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ҳеч қандай омилларга боғлиқ бўлмай охирги ҳолати билан баҳоланади. Экспоненциал тақсимот қонуни асосан эскирмайдиган элементлар ва уларнинг бузилишини, тасодифий бузилишларни ифодалашда қўлланилади.

Экспоненциал тақсимот қонуни учун:

- эҳтимоллик зичлиги функцияси: $f(x) = \lambda \exp[-\lambda x]$

- бузилмаслик эҳтимоллиги: $R(x) = \exp[-\lambda x]$

- бузилиш эҳтимоллиги: $F(x) = 1 - \exp[-\lambda x]$

6.3. Транспорт воситаларидан фойдаланишда тасодифий миқдор характеристикаларини қўлланилиши.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнидаги «хизмат кўрсатиш» тушунчаси ўз ичига жуда кенг маънони қамраб олади, хусусан эҳтиёжларни

қондириш. Автомобил транспорти тармоғига нисбатан бу әхтиёжлар юк ва йүловчи ташиш, чипта сотищ, автомобилларга техник хизмат күрсатиш ва таъмирлаш автомобилларни техник шайлигини таъминлаш учун ишлаб чыкаш техник базаларни ташкил этиш, ёнилғи қуйиш колонкаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва бошқалар. Бундай талабларни қондириш жараёнини ташкил этиш ва режалаштириш ишлари оммавий хизмат күрсатиш назарияси орқали мувоффакияли ечиш мумкин. Юқорида келтирилган эҳтиёжларни шаклланиш хусусият тасодифий характерга эга.

ТХКСда, автомобил транспорти корхоналарида ТХК ва таъмирлаш жараёнлари тасодифий характерга эга. Транспорт воситаларини бузилишлари ва носозликлари, айланма фондларни ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги узилишлар ва бошқа сабаблар автомобилларни ТХК га кириш ва ундан чиқиб кетиш маромини бир текислигини бузилишини келтириб чиқаради. Натижада кўзда тутилмаган навбатлар ҳосил бўлади. Бундай навбатларни кутиш иш вақтини йўқотиш билан кузатилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда кўп корхоналардаги ташкил этилган ТХК ва Т постлари тўла қувват билан ишламай ишчи постлардан фойдаланиш кўрсаткичлари талаб даражасида эмас.

Юқорида келтирилган муаммоларни рационал ечимини топишда тасодифий миқдор характеристикаларини аниқлаш орқали тегишли жараёнларни намоён бўлиш қонуниятларини аниқланади.

Автомобил транспорти тармоғи корхоналарида ТХК ва Т жараёнларини рационал ташкил этишда турли хил меъёрлардан: ТХК даврийлиги, ТХК меҳнат ҳажми, эҳтиёж қисмлар сарфи, меъёрларидан кенг фойдаланилади. Ана шу меъёрларни ишлаб чиқиша ва уларни такомиллаштиришда тасодифий миқдорлар характеристикаларидан кенг фойдаланилади ва тўғри ечимларни ҳамда қарорларни қабул қилишга эришилади.

6.4. Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш.

Тасодифий миқдорларнинг асосий характеристикаларини аниқлаш услубини қуйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

2.1-мисол. Техник хизмат кўрсатиш станциясига бир кунда 40 та автомобилга 2-ТХК ишлари бажарилди. Ҳар бир автомобил учун ТХК давомийлиги қуйидагича кузатилди (соатларда).

10.2; 6.8; 8.5; 9.5; 6.2; 11.5; 9.6; 10.9; 10.4; 11.9; 8.6; 8.4; 4.2; 6.0; 7.6; 8.7; 7.1; 9.0; 8.3; 7.6; 9.7; 9.9; 7.5; 10.1; 6.1; 9.3; 7.1; 7.5; 13; 6.2; 6.8; 9.7; 7.3; 10.9; 8.3; 8.6; 5.2; 9.6; 8.8.

ТХК даврийлигининг тақсимланиш зичлиги $f(x)$ функциясини аниқланг.

- 1) Берилган тасодифий миқдорларни ўсиш тартибида жойлаштирамиз.
- 2) Тасодифий миқдорларнинг ўртача қийматини аниқлаймиз:

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} = \frac{340}{40} = 8,5$$

$$\sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1}}$$

- 3) ўртача квадратик четлашиш; $\delta = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1}} = 2$

$$4) \text{ вариация коэффициенти: } v = \frac{\delta}{x} = \frac{2}{8,5} = 0,24$$

Берилган мисол учун $v \leq 0,33$, демак тақсимот қонунияти Нормал тақсимот қонунига бўйсинади. Нормал тақсимот қонуни учун:

$$f(x) = \frac{1}{\delta\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-\bar{x})^2}{2\delta^2}} = \frac{1}{2\sqrt{2\pi}} \cdot e^{-\frac{(x-8,5)^2}{8}}$$

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Л.Фарберман и др. Методическая рекомендации по проектированию и реализации педагогических технологий (гость-1)-Тошкент, 2002 г.
2. Техническая эксплуатация автомобилей (под.ред. Е.С.Кузнецова). М.: Транспорт 1991 г.
3. Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари. Маъruzалар матни. НамМПИ, 2003 й.

Илова

Тарқатма материаллар (ТМ)

ТМ-2.1.

Назорат тест топшириқлари

- 2.1. Тасодифий микдорларни аниқланг.
- а) юк билан юриш масофаси;
 - в) босиб ўтилган йўл;
 - с) бузилишгача босиб ўтилган йўл;
 - д) таъмирлаш учун сарфланган меҳнат ҳажми;
 - е) автомобилнинг ташқи ўлчами.

2.2. Бузилишгача босиб ўтилган масофа тасодифий микдор бўлса, у боғлиқ бўлган омилларни кўрсатинг.

- а) йўл шароити, автомобил русуми, ҳайдовчи малакаси, ишлатиш шароити;
- в) деталларга ишлов бериш сифати, ТХК тартиби, юк кўтариш қобилияти;
- с) деталларни йиғиш сифати; детал материалининг сифати, автомобилнинг динамиклиги;
- д) ишлатиладиган материаллар сифати, деталлар сони, ҳаракатланиш тезлиги;
- е) ишлатиш шароити, ишлаб чиқариш сифати, ишлатиладиган материаллар сифати, ТХК ва Т сифати, ҳайдовчи малакаси.

2.3. Тасодифий микдорларнинг асосий характеристикаларидан қайси биридан тақсимот қонунларини олдиндан аниқлашда фойдаланилади?

- а) ўртача арифметик қиймат;
- в) вариация коэффициенти;
- с) дисперсия;
- д) ўрта квадратик четлашиш;
- е) эҳтимоллик зичлиги функцияси.

ТМ-2.2.

2.4. +үйидаги жараёнларни ифодаловчи тақсимот қонуниятларини күрсатинг.

- a) занжирни узилиш жараёни;
- в) 2-ТХК гача бўлган наработкани шаклланиши;
- с) рессорани синиш жараёни;
- d) шиналарни ёрилиш жараёни;
- е) кузовларни занглаш жараёни.

- 1) Нормал-тақсимот қонуни;
- 2) Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонуни;
- 3) Логарифмик-нормал тақсимот қонуни;
- 4) Экспоненциал тақсимот қонуни;
- 5) Реле тақсимот қонуни.

2.5. Тико автомобилининг шиналарини ёрилиш жараёнининг вариация коэффициенти $\nu=1$ га тенг. Ушбу жараён қайси тақсимот қонуниятига бўйсинади?

- a) нормал тақсимот қонуни;
- в) Вейбулло-Гнеденко тақсимот қонуни;
- с) Логарифмик-нормал тақсимот;
- d) Экспоненциал тақсимот қонуни;
- е) Реле гамма тақсимот қонуни.

ТМ-2.3.

2.6. Илашиш муфтасининг уст қўймаларини алмаштиришгача бўлган ўртача наработка 50 минг. км, ўртача квадратик четлашиши 10 минг. км бўлса, вариация коэффициентини аниқланг?

- a) 0,25;
- в) 0,2;
- с) 0,3;
- d) 1,0;
- е) 0,35

2.7. Корхонада 100 та автомобиль мавжуд бўлиб, тирсакли вал тасмасининг бузилиш эҳтимоллиги зичлиги $f(x_1)=0,02 \text{ минг } \text{км}^{-1}$ бўлса, $\Delta x = x_1 - x_2 = 2 \text{ минг } \text{км}$. оралиқдаги бузилишлар сонини $m(x_1-x_2)$ аниқланг.

- a) 10 та;
- в) 3 та;
- с) 4 та;
- d) 25 та;
- е) 5 та.

ТМ-2.4.

2.2.-масала Автокорхонада кечки пайт 1-ТХК минтақасига 40 та автомобиль кирди. Автомобилларни кириш оралиғидаги вақти қўйидагича кузатилди (минут). 2, 17, 1, 10, 2, 3, 1, 1, 13, 4, 2, 1, 2, 5, 10, 5, 14, 10, 5, 1, 6, 7, 1, 31, 5, 27, 17, 4, 5, 5, 1, 2, 1, 8, 1, 7, 8.

Тасодифий миқдорларнинг эҳтимоллик зичлиги функциясини $f(x)$ аниқланг.

Мундарижа

1. Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий мақсади
 2. Ўқитишдан кутиладиган натижалар
 3. Машғулот режаси
 4. Асосий ўқув адабиётлари
 5. Машғулотни ўтказиш бўйича технологик карта
 6. Машғулот режасининг ўқув саволларининг мазмуни
- Фойдаланилган адабиётлар
- Илова